

ИЛК АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ДАВРИДА ДУНЁВИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИНГ МУВОЗАНАТИ

Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович

Тарих фанлари номзоди, доцент

Янги аср университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада араб-мусулмон давлатчилиқ тизимининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолатлар, Арабистон яриморотида қабилаларнинг ягона давлат бўлиб шаклланиши босқичлари ҳамда бу даврдаги халифаликдаги бошқарув тизими турлари ҳам ўрганилган. Илк ислом давлати таркибига кирган ҳудудлардаги аҳолининг ягона тизимлаштирилган халифалик ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Мадина, Ички Арабистон, саййид, малик, халифа, умма, Амир ал-муъминин, араб-мусулмон давлати.*

АННОТАЦИЯ

В статье также исследуются обстоятельства, связанные с формированием арабо-мусульманского государственного строя, этапы формирования племен на Аравийском полуострове как единого государства, а также типы системы управления в халифате в этот период. Выделены единый систематический халифат населения территорий, входивших в состав первого исламского государства, и его отношения с другими государствами.

Ключевые слова: *Медина, Внутренняя Аравия, сайид, малик, халиф, умма, амир аль-муминин, арабо-мусульманское государство.*

КИРИШ

Мадина шаҳар-давлатининг шаклланиши янги дин – исломнинг дунёга келиш жараёни билан бир вақтда кечди. Давлат пайдо бўлиши ва ривожланишида диний омилларнинг таъсири мураккаб феномен сифатида тадқиқотчилар диққат-эътиборини ҳозиргача ўзига жалб қилиб келмоқда. Янги шаклланаётган давлат тизимида теократик ғоянинг ўрни, давлатчиликка киритилаётган дунёвий унсурларнинг қай анъаналарнинг давоми сифатида қаралиши – бугунги кундаги тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Муҳаммад пайғамбар, янги дин тарғиботчиси бўлиши билан бир қаторда, жамоа бошлиғи-дунёвий раҳбар¹ сифатида ҳам фаолият олиб борган. У «араб тарқоқлиги»га барҳам бериб, Ички Арабистонда илк давлатчиликка тамал тошини қўйди. У дунёвий ҳокимият вазифаларини эски қабилачилик тизимидаги – ақид (ҳарбий қўмондон), саййид (қабила улуғи), малик (подшоҳ), қози (ҳакам)ни ўз шахсида бирлаштирди. Пайғамбар вафотидан сўнг жамоа-давлатни теократик-авторитар услубда бошқаришда туб ўзгаришлар рўй бериши муқаррар эди. Чунки, ислом таълимотига биноан, Муҳаммад – пайғамбарларнинг сўнггиси-мухри (*Хотам ал-анбиё*) эди. Демак, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни бевосита илоҳият амри ила бошқариш, унга туб ўзгартиришлар киритиш бундан сўнг мумкин бўлмай қолди, бошқа сўз билан айтсак, ислом тарихида теократия даври асосан тугади. Бундай шароитда, ислом расмий дин сифатида эътироф этилган жамиятда дунёвийлик ва динийликнинг мутлақо янги мувозанати жадаллик билан шакллана бошлади. Бу жабҳада, албатта, биринчидан, *умманинг* қисқа вақт ичида шакллантирган ўз анъаналари, иккинчидан, аввал Ички Арабистон давлатчилик унсурлари, кейинчалик, араб истилолари натижасида, бой Яқин Шарқ анъаналари ўзаро таъсир жараёнига киришди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ислом жамоаси-давлати дуч келган аввалги муаммолардан бири Пайғамбарга ўринбосар (*халифа*)ни тайинлаш ва унга қасамёд (*байъат*) келтириш бўлди. Исломдан аввалги давр арабларига *халифа* сўзи эскидан маълум бўлиб, у *малик* (подшоҳ)нинг *волийси* (вилоят ҳокими) маъносида қўлланилган². Мавқе жиҳатидан *халифага* яқин яна бир шахс – *радиф* ҳам шундай вазифани бажарган. Бу мансаб Лаҳмийлар подшоҳлигида мавжуд бўлиб, унга етакчи қабила улуғларидан бири тайинланган. *Радиф* қабуллар пайтида маликнинг ўнг тарафида ўтириб, юришлар даврида ўлжанинг чорак қисмини олган³.

Манбалар Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбосарига байъат қилиш арабларнинг исломдан олдин қабила улуғини (саййид) сайлаш жараёнига ўхшаш тарзда олиб борилганлигига гувоҳлик берадилар. Бу амалга Пайғамбар

¹ Уотт М., Муҳаммад пайғамбар барпо этган давлатнинг бошқарув тизимида баҳо бераркан, уни қуйидагича изоҳлайди: «Муҳаммад пайғамбар янги кемани қуришда эски кеманинг қимматбаҳо қисмларидан ўз ўрнида фойдалана билди» (Watt M. Muhammad at Medina. – Oxford, 1962. – Б. 289).

² Резван Е.А. Коран и его мир. – СПб.: Петербургское востоковедение, 2001. – Б. 163(бундан кейин: Резван, 2001).

³ Резван, 2001. – Б. 163.

ҳам риоя этган: у исломни қабул қилган (яъни *умма*га бўйсинган) қабила аъзоларидан шундай қасамёдларни қабул қилган⁴. Баҳс этилаётган даврда халифа тайинлаш услубларининг бир турли бўлмай, балки хилма-хиллиги ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Кейинги давр тадқиқотчилари бу тайинлаш усулларини шартли равишда тўрт турга бўладилар: 1) умумий сайлов; 2) номзод усули; 3) хусусий сайлов; 4) «қилич ҳаққи» йўли билан ҳокимиятга келиш.

Демак, қасамёд қилиш (*байъат*) амали эски араб анъаналари қаторидан соф дунёвий амал сифатида ўзлаштириб олиниб, бир неча босқич ўзгартиришлардан сўнг янги давлатчилик амалиёти сирасига киритилди. Ундан сўнг илк жамоа (*умма*) амалиёти сифатида уламолар томонидан сакраллаштирилиб, кейинчалик ёлғиз соф диний ҳодиса сифатида талқин этила бошланди.

Жамоа-давлат раҳбари лавозимини «*ал-халифа* (الخليفة)» деб атаётган бошладилар⁵. «*Халифа*» сўзи Қуръонда ҳам зикр этилган бўлиб, унда Одам Ато ва Довуд пайғамбарлар Аллоҳнинг ердаги «*халифалари*» деб талқин этилган⁶. Аммо, Абу Бакр раҳбарлик лавозимига тайинлангач, уни «Халифату расуллиллоҳи», яъни «Аллоҳ пайғамбарининг ўринбосари» деб атадилар. Маълумки, Муҳаммад пайғамбар *малик* лақабини ўзига эп кўрган эмас, лекин унинг вазифаларини *умма* ичида бажарган. Мадина масжидидаги *минбар* малик ҳокимлигидаги тахт рамзи вазифасини ўтаган⁷. Лекин, Абу Бакр Пайғамбар вафотидан сўнг минбарнинг пастки қисмида ўтирган. Бу билан у пайғамбарлик даражасига даъвоси йўқлигини таъкидламоқчи бўлган. Бу амалиёт Усмон тарафидан бузилган: учинчи халифа Пайғамбар каби минбарнинг юқори қисмига ўтирган. Аммо, унинг бу хатти-ҳаракати уламоларнинг кескин қаршилигига учрайди. Чунки бу даврда динийлик соҳасини тўла эгаллаган уламолар дунёвий ҳокимият – халифаликнинг бу соҳани забт этишга бўлган навбатдаги уринишини шу йўла қайтардилар⁸.

Абу Бакрдан сўнг раҳбарликка тайинланган Умар ибн ал-Хаттоб мантиқ бўйича Абу Бакрнинг ўринбосари, яъни «Халифату халифати расуллиллоҳи» деб аталди. Ҳокимиятнинг бу турда узатилиши (халифадан халифага) Мадина

⁴ ат-Табарий Абу Жаъфар. Таърих ал-умам ва-л-мулк. – Т. 3. – Б. 221-222 (бундан кейин: ат-Табарий)ат-Табарий.

⁵ Бу сўзнинг луғавий маъноси ўзбек тилида «ўринбосар» ни англатади.

⁶ Қуръон. 2: 12.

⁷ Резван, 2001. – Б. 164.

⁸ Резван, 2001. – Б. 166.

жоме масжидида минбарга янги келган ҳар бир халифага кўшимча нешин яшаш амалида ҳам кўришимиз мумкин.

Умар ибн ал-Хаттоб даврида давлат шаклланиш жараёнларининг тезлашиши натижасида халифа бажараётган вазифалар ичида дунёвийлик жиҳатининг кўпайиб кетиши оқибатида бу мансаб диний ҳиссиёти кучли фуқаролар тарафидан бир томонлама, яъни дунёвий деб қабул этила бошланди. Ҳокимиятнинг сакрал турини йўқотиши ижтимоий онгда унинг умумий ижтимоий заифлашувига олиб келиши мумкин эди. Шундай бир ҳолатда халифа ўзини «*Амир ал-муъминин*» («Мусулмонлар амири») деб аташларини маъқул кўрди⁹.

Усмон ибн Аффон ўлдирилганлигидан сўнг бошланган биринчи фуқаролар уруши (656-661) даврида бу икки атама (*халифа* ва *амир ал-муъминин*) ҳокимларнинг салбий хатти-ҳаракатлари оқибатида жамият аъзолари, айниқса унинг диндор қисми вакиллари – уламолар кўз олдида ўз ишончини, салмоғини йўқотди. Шу сабабли диний шиорлар остида ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун курашаётган халифа Али ибн Аби Толиб тарафдорлари уни «*Имом*» деб атай бошладилар. Демак, эндиликда халифанинг вазифаларидан бири – жамоа намозига бошчилик қилиш амалидан олинган атамаси давлат раҳбари сиймосига «диний тус» (уни ҳокимиятини сакраллаштириш) мақсадида фойдаланила бошланди. Бу эса давлат раҳбари функцияларининг орасида динийликка нисбатан дунёвийлик унсурларининг янада ортиб борганлигининг нишонидир¹⁰.

Муҳаммад пайғамбар ўз шахсида ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиятни бирлаштирганлиги халифалар фаолиятида катта роль ўйнади. Бу эса янги жамият тақдирида ҳам кўп оқибатларга олиб келдики, улар кейинчалик ўзларини ёрқинроқ намоён қила бошладилар. Бу ўринда илк халифаларнинг дунёвий ва диний соҳада олиб борган фаолиятларининг маълум жиҳатларини батафсил кўриб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

Халифалик махсус диний институт ҳисобланмай, у кўпроқ дунёвий компонентларни ўзида мужассамлаштирган эди. Пайғамбар вафотидан сўнг муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги асосий тортишув мамлакатга ҳарбий йўлбошчи (*амир*) – халифа тайёрлаш масаласида бўлди¹¹. Шу ернинг ўзида

⁹ Али Иброҳим Ҳасан. Таърих ал-ислом ал-‘омм. – ал-Қоҳира, с.й. – Б. 242 (Бундан кейин: Али Иброҳим Ҳасан); Бартольд В.В. Халиф и султан // Сочинения. – Том VI. – М.: Наука, 1966. – Б. 19.

¹⁰ Arnold T. The caliphate. – Б. 133.

¹¹ Прозоров С.М. К проблеме верховной власти в исламе // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2002. – Б. 10.

хукмронликнинг бошқа вазифалари (қозилик ва молиявий масалалар бўйича) муҳожирлар ўртасида тақсимланди¹². Халифаликнинг дунёвий вазифаси, биринчи навбатда, давлатни бошқариш, яъни амирлик деб белгиланди. Янги забт этилган мамлакатлардаги мавжуд давлатчилик анъаналарининг рационал унсурлари Араб давлатининг бошқарув тизимларига жадал кириб келди. Бунинг натижасида халифа асосан давлат аппарати тузиш ва бошқариш, сиёсий масалаларга раҳбарлик қилишга ўзининг асосий эътиборини қаратди.

Ушбу тўрт халифа янги вужудга келган давлат воситасида ҳеч қандай тартиб ва интизомни билмайдиган Арабистон ярим оролидаги бадавий қабилаларини ягона давлат ҳукмига бўйсиндириб, ўз замонасининг кучли салтанатлари саналмиш Сосонийлар ва Византия империяларига шикаст етказиш имконига эга бўлдилар. Мана шу айри-айри яшайдиган қабилалар кучларини бирлаштириш натижасида Сосонийлар салтанати каби юксак тараққиётга эга бўлган империянинг тўрт минг йиллик тарихига якун ясалди. Византия империясининг аркларини ларзага солди. Ироқ, Сурия ва Миср каби қадимги маданият ўчоқлари Араб халифалиги таркибига қўшиб олинди.

Демак, халифалар фаолиятида соф дунёвий вазифалар – давлатни бошқаришда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш функцияларининг мунтазам ортиб борганлигини кўрамыз. Давлат аппарати тезда шаклланиб, бир маромда ишлайдиган тизимга айлана борди. Давлат аппарати шаклланиб бориши билан фуқаровий жамият (*умма*) ҳам ўзгара борди. Бу борада турли сиёсий кучларнинг пайдо бўлганлигини биринчи навбатда қайд этиш лозим.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлилларга хулоса этиб, айтиш мумкинки, Ички Арабистон тарихида биринчи марказлашган давлат тузиш жараёнида Муҳаммад пайғамбар ўз сиёсий ҳукмронлигини ислом дини ва унинг арконлари асосида бошқарди. Янги давлат асосчиси фаолиятида пайғамбарлик билан бир қаторда жамоа-давлат бошлиғи вазифаларини бирлаштирганлиги кейинчалик шаклланган ислом диний назариясида дунёвий ва диний унсурларнинг бирлашиб кетишига олиб келди. Пайғамбар ижтимоий-сиёсий фаолиятида теократик жихатлар билан бир қаторда кўплаб дунёвий жихатларни ҳам учратамиз.

¹² Бунга Пайғамбарнинг *умма* орасида тарқалган «Имомлик – Қурайшдан, қозилик – ансорлардан ва азон чақириш эса ҳабашлардандир», деган ҳадиси ишорат беради.

Илк халифалар бўлган Пайғамбар ўринбосарлари (халифа) давлат бошқаруви фаолиятларида дунёвий вазифалар устувор бўла бошлади. Бунга мусулмон давлатининг тез суръатлар билан ривожланиши асосий сабаб бўлди. Диний соҳадаги ривожланишлар, диний билимлар ҳажми ва соҳаларининг мураккаблашиб бориши бу жабҳада мутахассислар (уламолар) гуруҳларининг шаклланишига олиб кела бошлади. Натижада араб-мусулмон давлати илк тўрт халифалари давлат бошқаруви фаолиятида дунёвий ва диний соҳаларнинг баъзи унсурлари амалда ажралиши юз берди.

Бу даврда соф теократик давлат тушунчаси ўз мазмун-моҳиятини йўқота бошлади ва мусулмонлар томонидан забт этилган давлатлар ислом давлати деб тушинилди. Аммо, давлат бошқаруви ҳали дунёвий ва диний назарияларга аниқ бўлинган эмас эди. Шу ўринда Мухаммад пайғамбарнинг халифалик ўттиз йил давом этиши ва ундан сўнг давлат бошқарувида амирлик (*подишолук*) тизими пайдо бўлишини башорат қилиши амалда ўз тасдиғини топди. *Ал-Хулафо ар-рошидун* давридан кейин Умавийлар халифалигидаги давлат бошқарувида дунёвий унсурлар кўпая борди.

REFERENCES

1. Watt M. Muhammad at Medina. – Oxford, 1962.
2. Резван Е.А. Коран и его мир. – СПб.: Петербургское востоковедение, 2001.
3. Ат-Табарий Абу Жаъфар. Таърих ал-улам ва-л-мулк. – Т. 3.
4. Али Иброҳим Ҳасан. Таърих ал-ислом ал-‘омм. – ал-Қоҳира, с.й.
5. Бартольд В.В. Халиф и султан // Сочинения. – Том VI. – М.: Наука, 1966.
6. Arnold T. The caliphate.
7. Прозоров С.М. К проблеме верховной власти в исламе // Ислам ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2002.
8. Makhsudjonovna, T. N. Adabiy Manbalarda Qalandar obrazining yoritilishi. Innovative Developments and research in Education International scientific-online conference. Part 4,114-120.
9. Doniyor Muratov Maxamatvaliyevich. Ilk Islom Davrida Hadislarning Tarqalishi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 2 | ISSUE 5 ISSN 2181-178,127-131. Available at: https://www.oriens.uz/media/journalarticles/15._Дониёр_Муратов_127-131.pdf
10. Ismoilov Mas’udxon Maxdiyevich. O‘zbekistonda Tasavvufning O‘rganilishiga Doir. International Conference on Multidimensional Research and Innovative

Technological Analyses.169-172. Available at:
<http://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA/article/view/211/184>

11. Khakimova Nigora Alisherovna. The concept of human interest in jurisprudential principles: al-Qaffal al-Shashi's approach. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. Vol. 12, Issue 04, April 2022. ISSN: 2249-7315, SJIF 2022 = 8.625. DOI: 10.5958/2249-7315.2022.00181.2 <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2022/05/4.47-Khakimova-Nigora-Alisherovna-FULL.pdf>

12. Qambarov A.M. Abu Bakr Ibn Mas'ud Kasani, A Representative of the Jurists of Mawarounnahr. Child Studies in Asia-Pacific Context (CSAC). 2022, 12 (1); ISSN: 2288-601X 295-301 [Vol. 12 No. 1 \(2022\) | Child Studies in Asia-Pacific Contexts \(e-csac.org\)](#)